Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

1993 йил 30 март, сешанба

№ 54 (21.405).

Нархи: 5 сўм

Орол муаммолари:

КУЧ-ҒАЙРАТЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг Қозоғистондаги Қизил Ўрда шаҳрида бўлиб ўтган анжуманида қатнашди. Унда Россия Федерациясининг вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Минтақа мамлакатлари олий раҳбарларининг учрашуви энг мураккаб ва долзарб иқтисодий, ижтимоий муаммолардан бири — Орол бўйидаги экология танглигига, Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш йўлида баҳамжиҳат кўриладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга бағишланди.

Қизил Ўрда учрашувининг қатнашчилари бу фожиа Марказий Осиё давлатларигагина дахлдор бўлиб қолмай, жаҳоншумул тусга ҳам эгадир, деган бир фикрга келдилар. Кўпгина мамлакатларнинг куч-ғайратлари — молиявий, илмий-техникавий ташкилий имкониятларини бирлаштириш йўли билангина бу фожиани бартараф этиш мумкин.

Анжуманда Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоларини ҳал этишга умумий ёндашувлар ишлаб чиқилди, муҳим ҳужжатлар имзоланди. Бундан буён шу ҳужжатлар, жумладан Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоларини ҳал этиш, Орол минтақаси экологиясини соғломлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш соҳасида биргаликда қилинадиган ҳаракатлар тўғрисидаги битим ҳам шу йўлдаги барча ишларга асос қилиб олинади.

Давлат раҳбарларининг учрашувида Орол денгизи ҳавзаси муаммолари билан шуғулланувчи давлатлараро кенгаш тузилди, Оролни қутқариш ҳалқаро жамғармаси таъсис этилди. Қозоғистон Республикасининг Президенти Нурсултон Назарбоев бир йил муддатга шу жамғарманинг Президенти этиб сайланди.

Шу йил августида Қорақалпоғистон пойтахти — Нукус шаҳрида Орол денгизи ҳавзаси муаммолари билан шуғулланувчи давлатлараро кенгаш ва Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг қўшма мажлисини ўтказишга ҳам қарор қилинди.

Учрашув иштирокчилари Қозоғистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон номидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Бутрос Ғолийга мактуб йўллаб, Оролбўйидаги мураккаб аҳвол ва рўй берган муаммоларни ҳал этиш учун белгиланган чора-тадбирлар ҳақида, шунингдек Орол денгизи ҳавзаси муаммоларига халқаро ҳамжамиятнинг диққат-эътиборини жалб қилиш зарурлиги тўғрисида уни хабардор этдилар.

(ЎзА махсус мухбири).

Суратларда: Оролни ҳимоя қилишга бағишланган митинг пайти.

А. ЗУФАРОВ олган суратлар. (ЎзА).

МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТИГА МАКТУБЛАР

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг жонажон Ўзбекистонимиз ташқи ва ички сиёсатини барқарорлаштириш мақсадида олиб бораётган улуғвор ишларингиз миллион-миллион дилларни забт этмоқда. Бу йўлдаги толмас саъй-ҳаракатингиз барчамизга янги куч ва шижоат бағишламоқда.

1990 йилнинг август ойида туманимизга келиб, қишлоқ меҳнаткашларини ижтимоий-маданий турмуш шароитини яхшилаш бўйича берган йўл-йўриқ ва маслаҳатларингиз асосида меҳнат қилиб, бирмунча ижобий натижаларга эришдик. Ўша учрашувда зиммамизга олган вазифалар юзасидан шахсан ўзингизга ҳисоб беришга рухсат этинг.

Сиз бизга қишлоқ аҳолисини ичимлик сув, газ билан таъминлаш ва бошқа маданий эҳтиёжларни адо этишни топширган эдингиз. Дарҳақиқат, ўша пайтда Булоқбоши қишлоғининг аксарият хонадонлари газлашмаган, маҳаллаларига ичимлик суви келтирилмаган эди. Шу ўтган қисқа вақт орасида хўжалигимиз ҳудудида беш километр масофага магистрал газ қувури, ўттиз километр маҳалла кўчаларига ҳамда 1935 хонадонга газ тармоқлари келтириб, бу иш Наврўз арафасида поёнига етказилди. Бу тадбир учун 30 миллион сўм маблағ сарфланди. Айни пайтда қишлоқларга 32 километр узунликда ичимлик сув қувурлари ётқизилиб, барча маҳаллалар, бинобарин хонадонлар тоза сув билан таъминланди.

Жамоа хўжалиги ҳудудида яшаб турган уруш ва меҳнат фахрийлари, ночор оилаларнинг хонадонларига газ ва ичимлик суви етказиб беришга сарфланган ҳаражатни хўжалик ҳисобидан қопладик.

Сизнинг қишлоқ аҳлига кўрсатган ғамхўрликларингиздан бири — аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш учун томорқа ажратиб бериш бўйича кўрсатмангиздир. Бу соҳада ҳам анча ишлар қилинди.

Шунингдек, 32 километр қишлоқ йўллари ва маҳалла кўчалари асфальтланди. Айни пайтда жамоа хўжалигимиз саъй-ҳаракати ва маблағи ҳисобидан ҳар бири 844 ўринли иккита ва 420 ўринли бита мактаб бинолари жадал сурат билан қурилмоқда. Бу ўқув даргоҳлари шу йили фойдаланишга топширилади.

Сизга ҳамиша Аллоҳ мададкор бўлсин, халқимиз бахт-саодати йўлида қилаётган улуғ ишларингизга ривож тилаймиз.

Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги Тоштемир Раҳимов номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 март куни Эндрю Гельфи бошчилигидаги франциялик мухбирлар гуруҳини қабул қилди.

Президент Ислом Каримов франциялик мухбирларга Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақасидаги сиёсий вазият, Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш борасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар хусусида сўзлаб берди. Мухбирларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтарди.

Қабул маросимида Франция Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Поль Везиан жаноблари иштирок этди.

(ЎзА).

Суратда: матбуот конференцияси пайтида.

ҚАРШИ СИМИ ДУНЁГА УЛАНДИ

Қарши шаҳарлараро телефон станциясида халқаро тармоқ ишга туширилди. Энди Қашқадарё вилоятининг шаҳар ва районлари, ҳатто колхоз-совхозларида яшовчи абонентлар хонадонларида ўрнатилган телефонлар орқали бемалол дунёнинг истаган жойи билан гаплашиши мумкин.

Кейинги пайтда шаҳар алоқа бирлашмаси аҳолига қулайлик яратиш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Биз шу ҳақда сўзлаб беришни бирлашма бошлиғи Ҳуррам Темировдан сўрадик.

— Аҳолига қулайлик яратишга ўтган йилданоқ киришгандик, — дейди у. — 1992 йил охирида республикада Фарғонадан кейин иккинчи бўлиб, шаҳарлараро автоматлаштирилган электрон алоқа станцияси фойдаланишга топширилган эди. Ушандаёқ вилоятимиз шаҳар, посёлка ва қишлоқларида яшовчи аҳоли ҳамдўстликдаги мамлакатларда истиқомат қилувчи ёру дўстларига телефон қилиш имкониятига эга бўлишганди. Халқаро тармоқнинг ишга туширилиши нур устига аъло нур бўлди.

Яқинда Қаршида хорижий ускуналар билан жиҳозланган сўзлашув ҳисоб-китоб маркази ишга туширилди. Бу жуда қулай: юзлаб бухгалтерларнинг ишини битта аппарат, яъни компьютер бажаради. Ҳозир бир кунда вилоят бўйича 25 мингта гаплашув ҳисоб-китоб қилиняпти. Америкадан келтириб, ўрнатилган «АБМ—Айти» компьютери мушкулни осон қиляпти.

Ишларимиз автоматлаштирилгач, иқтисодий аҳволимиз ҳам яхшиланиб бормоқда. Кейинги икки ойда қарийб беш миллион сўм фойда олдик. Буни шаҳар телефон тармоқларини таъмирлашга сарфлаяпмиз.

Шаҳарда телефон абонентлари сони 24 мингдан ошди. Шунга яраша кабели ишдан чиққан, ремонталаб алоқа тармоқлари ҳам анчагина. Биз аввало ана шу муаммоларни олинаётган фойда ҳисобига бартараф этмоқчимиз.

Мўсо КАРОМОВ.

ҲИММАТИНГИЗГА ТАСАННО

Қутлуғ айём арафасида Президентимиз фуқарони ижтимоий муҳофаза этиш мақсадида имзолаган фармон Ўзбекистонда ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Зероки, мазкур Фармондан аҳолининг барча табақалари, жумладан нафақахўрлар баҳраманд бўлишди. Уларнинг пенсиялари миқдори 30 фоизга кўпайди.

Бундай оталарча ғамхўрлик ҳар бир уруш ва меҳнат фахрийсининг қалбини тоғдек кўтарди. Хусусан, менинг Президентимиздан миннатдорчилигим чексиздир. Энди 16 баҳорни кўрган ўспиринлик пайтим, урушнинг айни қизғин палласида ёшимни икки йилга ошириб кўрсатиб фронтга борганман.

Ўшанда бизни ягона Ватан туйғуси жанг майдонига чорлаган эди. Бироқ, чинакам Ватан туйғусини энди ёшим 70 дан ошганида мустақиллик шарофати билан ҳис қиляпман. Ватаним туфайли шундай қийин паллада ҳам йўқчилик нималигини билмайман. Узоқ йиллар Ўзбекистон газ саноати қурилиши трестида меҳнат қилдим. Мени нафақага узатишар экан, Бухоронинг энг сўлим жойидан янги уй қуриб беришди.

Айни пайтда қарилик ғаштини суриб, фарзандларимни камолга етказаяпман. Ҳар гал дастурхонга фотиҳа қилар эканман — ҳимматли Президентимизга тасаннолар айтаман.

Ҳожи ЖУРАЕВ.
уруш ва меҳнат фахрийси.
Бухоро шаҳри.

● ШУ СОНГА ХАБАР

СУРХОНДАРЁДА ЧИГИТ ЭКИШ БОШЛАНДИ

Жарқўрғонда шундай: Наврўз кунлари деҳқонлар рамзий тартибда чигит экишни бошлаб қўйишади. Бу йил ҳам шу тартибда бошланган иш бир-бирига уланиб кетди. Ҳамал ойининг иккинчи ҳафтасидан қумоқ тупроқли майдонларга уруғ экадиган машиналар ёпасига олиб чиқилди.

— 13 минг гектарда пахта етиштирамиз. Уруғ етарли. Техника воситаларимиз тайёр. Тупроқ ҳарорати кўнгилдагидай, — дейди район деҳқончилик саноати уюшмасининг раиси Чори Тошпўлатов. — Фақат бир нарса: экишдан олдин ерни суғориш учун сув вақтида етказиб берилмаётгани ишларимизни қайтармоқда. Маккажўхори, сабзавот экиш юмушларини ниҳоясига етказаяпмиз.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАЛАЙЗИЯ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДЎСТОНА ТАШРИФИ

Шу йил 31 мартда Малайзия Бош вазири Дато Сери доктор Маҳатҳир бин Муҳаммад Ўзбекистон Республикасига расмий дўстона ташриф билан келади. Дато Сери доктор Маҳатҳир бин Муҳаммад Ўзбекистонда биринчи маротаба 1989 йилда бўлган эди. Ўтган вақт мобайнида икки давлат ўртасидаги муносабатлар янги поғонага кўтарилди. Айниқса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги делегациянинг 1992 йил июнь ойидаги Малайзияга расмий ташрифи бу муносабатларнинг ривожига янги куч бағишлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқи олий меҳмонни ўзбек диёрида қутлаб, юқори даражада ўтадиган янги мулоқотлар Ўзбекистон Республикаси билан Малайзия ўртасидаги икки томонлама дўстона алоқаларнинг янада ривожланишига хизмат қилади, деб умид билдиради.

МАЛАЙЗИЯ БОШ ВАЗИРИ ДАТО СЕРИ ДОКТОР МАҲАТҲИР БИН МУҲАММАД ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИ

Дато Сери доктор Маҳатҳир бин Муҳаммад 1925 йил 20 декабрда Кеда штатининг Алор Сетар шаҳрида туғилди. Ихтисоси — врач.

1945 йилдан Дато Сери доктор Маҳатҳир бин Муҳаммаднинг сиёсий фаолияти бошланди.

1946 йилда — Бирлашган Малай миллий ташкилотининг (УМНО) аъзоси.

1964 йилда умумхалқ сайловида биринчи марта парламент аъзоси этиб сайланди.

1968 йилда олий таълим бўйича биринчи Кенгашга раис этиб тайинланади. 1972 йилда эса олий таълим бўйича маслаҳат кенгашига, университет судига ва Малай университети кенгашига аъзо бўлади. 1974 йилда миллий университет кенгашига раислик қилади.

1973 йилда Дато Сери доктор Маҳатҳир бин Муҳаммад сенатор, сўнгра таълим вазири этиб тайинланади. Шунингдек, 1976 йилда Дато Сери доктор Маҳатҳир бир вақтнинг ўзида Бош вазир ўринбосари этиб тайинланади.

1978 йилда Дато Сери доктор Маҳатҳир бин Муҳаммад савдо ва саноат вазири этиб тайинланади.

1975 йилда Дато Сери доктор Маҳатҳир бин Муҳаммад УМНОнинг вице-президенти этиб сайланади. 1978 йилда — партия президенти ўринбосари, 1981 йилда — партия президенти бўлади.

1981 йилнинг 16 июлидан Дато Сери доктор Маҳатҳир бин Муҳаммад Малайзиянинг Бош вазири лавозимида ишлаб келмоқда.

Дато Сери доктор Маҳатҳир бин Муҳаммад оилали. Рафиқаси — Датин Сери доктор Сити Ҳасма Муҳаммад Али хоним. Уларнинг 4 ўғил ва 3 қизи бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизмати

ХАЛҚҚА ТАЯНИБ, ХАЛҚНИ ЭРГАШТИРИБ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов кеча Челак райони меҳнат жамоалари билан учрашди

— Бугунги кунда партиямиз раиси, Ўзбекистон Президенти И. Каримов олиб бораётган оқилона сиёсат туфайли мустақиллик янада чуқур илдиз отмоқда. Зеро, партиямизнинг олий мақсади ҳам республикамизни ҳур, фаровон, озод юртга айлантиришга ҳисса қўшишдир. Шу мақсадда биз ҳар битта жамоада, яшаш жойларида аҳоли билан суҳбатлашиб, ана шу сиёсатни кенг тушунтиришимиз зарур, — деди партия марказий қўмитасининг аппарати раҳбари.

Челак шаҳридаги Тошҳовуз маҳалласида бўлган учрашув айниқса қизиқарли ўтди. Оқсоқоллардан Ф. Рофиев, Ю. Жамолов, Қ. Одилов маҳаллада амалга оширилаётган ибратли оммавий тарбиявий тадбирлар ҳақида гапириб бердилар.

Район таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонаси, пахта тозалаш заводида М. Расулов ишчилар билан қизғин суҳбат қурди. Уларга республикамиз ҳукумати олиб бораётган тўғри сиёсат моҳиятини тушунтирди. Жойларда партия ташкилотлари котиблари ўзлари амалга ошираётган тадбирлар ҳақида ҳам сўз юритдилар. Жумладан, районда партия кенгаши қошида тарғиботчилар гуруҳи тузилиб, улар жойларда ҳукуматимиз сиёсатини кенг тарғиб этмоқдалар.

Учрашувлар чоғида М. Расуловга вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ш. Ғиёсов, Челак район ҳокими А. Муҳаммадқулов ҳамроҳлик қилдилар.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА КЕЛГАН ХАТЛАРНИ ЎҚИБ

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Шу кунларда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга жумҳуриятимиз меҳнаткашларидан кўплаб хат ва телеграммалар тўхтовсиз келиб турибди. Уларни ишчи ва хизматчилар, деҳқонлар, зиёлилар, кўп болали оналар, Ўзбекистон халқ депутатлари, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар йўллашган. Хорижий мамлакатларнинг давлат ва жамоат арбобларидан ҳам қутловлар олинмоқда.

Мактубларнинг ҳар биридан давр нафаси — бугунги кун ташвишлари-ю, келажакка умид-ишонч яққол сезилиб турибди. Хат ва телеграммаларда мустақил Ўзбекистонимизнинг дунё миқёсидаги обрўси кун сайин ортаётганлиги, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий соҳаларда рўй бераётган муҳим ўзгаришлар, иқтисодий ислоҳот, бу мураккаб жараёндаги вазифалар, умумхалқ байрамлари, уларнинг аҳамияти тўғрисида дил сўзлари баён этилган.

Президентга келган мактубларнинг аксарияти Наврўз ҳамда Ийди ал-Фитр ҳақида бўлиб, бу байрамларнинг қайта тикланишидан зўр мамнуният изҳор қилинган.

«Қадрли Ислом Абдуғаниевич, — деб ёзади Андижон вилоят тинчлик жамғармасининг раиси Ғуломҳожи Абдуллаев, — Сизни қутлуғ сана — Наврўзи олам ва Ийди Рамазон билан чин дилдан самимий қутлайман. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, элимиз фаровонлигини янада ошириш, жамиятимизда бошланган покланиш жараёнидаги меҳнатингизда қувончли ютуқларга эришишингизни, битмас-туганмас ғайрат-шижоат ва мустаҳкам сиҳат-саломатлик Сизга ёр бўлишини Аллоҳдан сўрайман».

Ўзбекистон халқ ноиби, Шарқун шаҳар ҳокими Муҳаммад Муродуллаев, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидан Эшқобил Гадоев, Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигидан Эгамберди Раҳимов, Риштон деҳқончилик-саноат ишлаб чиқариш комбинати меҳнат жамоасининг бир гуруҳ аъзолари ва бошқалар ҳам ўз мактубларида Ўзбекистон Президентини умумхалқ байрамлари — Наврўз ва жумлаи мўмин-мусулмонларнинг улуғ айёми — Рамазони шариф билан муборакбод этганлар.

Халқимиз ўз Президентини чин қалбдан севиб, ардоқламоқда. Фарзандлари камол топиб, юртбошимиз каби ўз ҳаётини жонажон Ватанига бахшида этишини жуда-жуда истаган кўплаб ота-оналар эндигина дунёга келган ўз ўғилларига Ислом деб исм қўймоқдалар, фарзандлари ва набираларининг туғилган кунларида иштирок этишни илтимос қилиб, Президентга мактуб йўлламоқдалар.

Мана қўлимизда шундай хатлардан бир нечтаси. «Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, менинг набирамга сизнинг номингизни қўйдик, — деб ёзибди Хоразм вилояти, Шовот туманидаги ал Беруний номли жамоа хўжалигида яшовчи Каримберган Раҳимов. — Шояд у ҳам сиз каби эл-юртга виждонан хизмат қиладиган доно, билимли, узоқни кўрувчи, ақл-заковат билан иш юритадиган, мустаҳкам иродали бўлиб улғайса.

Набирам Ислом шу йилнинг 3 апрелида бир ёшга тўлади. Шу муносабат билан Сизни ва оила аъзоларингизни набирам Исломнинг бир ёшга тўлиши муносабати билан ўтказиладиган йиғилишга таклиф қиламан».

Бундай мазмундаги хатларни ўқир эканмиз, қалбларимиз ўзгача бир қувончга тўлади. Улар чин юракдан ёзилганини чуқур ҳис қиламиз. Ватандошларимиз ўз юртбошиси билан доимо бирга, ҳамнафас эканига, унга катта ишонч билдираётганига амин бўламиз, Ўзбекистон мустақиллиги йўлида у олиб бораётган изчил ички ва ташқи сиёсатни тўла қўллаб-қувватлаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти яқинда чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Уч соат давом этган бу учрашув кўпчиликда унутилмас таассурот қолдирди. Мазкур учрашувдаги савол-жавоблар республикамиз ва бошқа мамлакатлар жамоатчилиги ўртасида кенг шарҳланмоқда. Президент номига келган кўпгина мактублар ана шу муҳим суҳбатнинг таассуротлари ҳақида муаллифлар ўз хатларида жаҳоннинг етакчи журналистлари билан ўтказилган матбуот конференциясини жасорат ва доноларча дилкаш суҳбатга айлантириб юборган Президентимиз билан ҳақли равишда фахрланаётганликларини, у олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни қизғин маъқуллаётганликларини таъкидлаганлар.

Нўқонлик Ҳ. Мавлонқулов ўз қалб сўзларини мана бундай изҳор қилади: «Бундай йиғилишлар чоғида Президентимизга халқнинг эътиқоди, яхши кунларга умиди, Ўзбекистонни доно раҳбар бошқараётганига шукронаси яна ўн чандон ошганлиги яққол намоён бўлмоқда».

Мактублар — халқ ҳаётининг кўзгуси. Ҳар бир хатда инсон, унинг мураккаб ҳаётташвишлари, дарди, орзу-умидлари, акс этган. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга келаётган ҳар бир хат ва телеграммада баён қилинган жамики фикр-мулоҳазалар, муаммолар, мулоҳазалар, истаклар, таклифлар атрофлича ўрганиляпти. Кўтарилаётган масалалар бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Т. БОТИРБЕКОВ,
(ЎзА).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ—УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

Қорақалпоғистон Республикаси янги Конституциясининг 6-бўлим, 28 боб, 118 моддадан иборат лойиҳаси чоп этилди. Шаҳар ва районларда, саноат ва қурилиш корхоналарида, транспорт ва алоқа идораларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, илмий муассасаларда, давлат ва жамоат хўжаликларида Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси муҳокама қилинмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашида телерадио давлат компанияси, республика газеталарининг муҳаррирлари, Ўзбекистон Республикаси телерадио, ва газеталарининг Қорақалпоғистондаги мухбирлари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

У Конституция лойиҳасини жамоаларда, одамлар орасида тушунтириш ишларини олиб бориш, суҳбатлар ўтказиш билан бир қаторда оммавий ахборот воситалари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раисининг биринчи муовини вазифасини бажарувчи Г. А. Аллақиличева гапириб берди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бу етти вазир девонбегига бўйсуниши лозим ва у билан иттифоқда муҳим молиявий ишларни амалга оширмоқлари ва менинг арзимга етказишлари даркор.

Яна ҳукм қилдимки, бир кишини арзбеги қилиб тайинласинлар. У сипоҳ, ранят ва арз-дод қилиб [ҳузуримга келувчиларнинг] аҳволини, мамлакатнинг обод-хароблигини, муҳим ишлардан қайси бири битган-битмаганлигини менинг арзимга етказиб турсин.

Амр қилдимки, садрлар садри[2] саййидлар ва бошқа арбобларга суюрнол тариқасида берилган ерлар ва вақфларнинг аҳволини, улар вазифаларини қай даражада адо этаётганликларини текшириб, менга арз қилиб турсин. Ислом қозиси эса шариат ишларининг бориши ва аҳдос қозиси дунёвий ишлар ҳақида менга арз қилсинлар.

Яна амр қилдимки, салтанат ишлари, мамлакатни идора этиш, ундаги ўзгаришлар, алмаштиришлар, сипоҳийлар ва амирларнинг тайинланиши, турли кенгаш-тадбирларни хос мажлисда менга арз қилсинлар. Бу мажлисларда махфий ва сирли ишларни пинҳон тутишга қодир бўлган махсус котиб (мунший маҳрам) ҳозир бўлиб, ростлик қалами билан махфий-яширин кенгашларни ва гапларни [дафтарга] ёзиб борсин.

Ва яна мажлис котибларини (мажлиснависон) тайинлашни буюрдимки, девон мажлисида навбатма-навбат ҳозир бўлиб, мажлисда кўрилган ва ҳал қилинган муҳим масалалар ва айрим ишлар тафсилотини [дафтарларга] ёзиб олиб, сақлашлари лозим. Менга арз қилинган гаплар, чиқарган ҳукмларим, мажлисларда кўрилган мамлакат аҳамиятига молик ишлардан тортиб, жузъий ишларгача барчасини қаламга олиб, [бошимдан кечирган] воқеаларим дафтарига киргизсинлар.

Салтанатнинг ҳар бир идорасида киримчиқимларни, кундалик ҳаражатларни ёзиб бориш учун бир котиб тайинлансин.

[2] Садрлар садри (садрлар бошлиғи, бош садр) — садр, вақф ерлар ва вақф этилган бошқа мулкнинг ҳисоб-китобини олиб борувчи мансабдор.

УЛУСЛАР, ҚУШИНЛАР ВА ТУМАНЛАРНИНГ АМИРЛАРИ МАЪМУРИЯТИ ТУЗУГИ

Буюрдимки, юриш вақтида ҳар бир улус ва туман амири ҳар чодирликдан (хиргоҳ) бир отлиқ, ҳар икки олачуқ[1]дан бир отлиқ, ҳар бир уйдан бир отлиқ аскар ажратиб, ўзлари билан бирга олиб кетсинлар. Улар қайси мамлакатга келиб тушсалар, улфаларни ўша ернинг суғориладиган майдони (обхўри) ва ўтлоғи (алафхўр) дан бўлсин. Улуслар-нинг амирларига ярғу[2] ва байроқлар берсинлар. Амирлари улуслар ва туманларнинг ҳоли-қудратига яраша отлиқ аскар ҳозирлаб юришга олиб келсинлар.

87.

Қарамоғимдаги қирқ аймоқдан [қуйидаги] ўн иккитаси тамға берилсинки, булар менинг хос навкарларимдан бўлиб ҳисоблансинлар: барлос, тархон, арғун, жалоир, тулкичи, дулдай, мўғул, сулдус, туғой, қипчоқ, орлот, тотор.

Барлос уруғидан [қуйидаги] тўрт кишини амир ул-умаро қилдим: Амир Худайдод. Унга Бадахшон мамлакатини инъом этдим. Амир Жоку, Амир Ики-Темур ва Амир Сулаймоншоҳга ҳам биттадан сарҳад мамлакатини тортиқ қилдим. Барлос уруғидан яна юз кишини мингбоши этдим. Амир Жалолиддин барлосга ўнинчи амир даражасини бердим. Амир Ауб Саййидни тўққизинчи амир даражасига кўтардим.

Тархон улусидан амир Боязидни еттинчи даражасига тайинладим. Улардан йигирма кишини юзбоши қилдим.

Арғун улусидан Тошхўжани саккизинчи амир қилдим. Булардан йигирма кишини мингбоши, юзбоши ва ўнбоши қилиб тайинладим.

Жалоир улусидан Тўқ Темур ва Шер Баҳромни саккизинчи ва тўққизинчи амир этиб тайинладим. Булардан йигирма кишини юзбоши ва ўнбошиликка белгиладим.

Тулкичи улусидан Ўлжойту апердига амирлик мартабасини бердим.

Дулдай улусидан Тобон баҳодир ва Сон баҳодирга амирлик мартабасини бердим.

Мўғул улусидан Темирхожа ўғлонни амирлик мартабасига етказдим.

Сўлдус улусидан Элчи баҳодирга амирлик мартабасини бердим.

Туғой улусидан Али Дарвишни амир қилдим.

Қипчоқ улусидан Сори Буғога амирликни бердим.

Орлот улусидан Амир Муайядниким, сингилим унинг никоҳида эди, амир ул-умаро этиб тайинладим. Сўлойчи баҳодирни ҳам амирликка кўтардим.

Тотор улусидан Кўнакхонга амирлик (мартабасини) бердим.

Тамғага етмаган йигирма саккиз аймоқ бошлиқларига улус амирлигини бердим. Улар юриш, жангу жадал вақтида тузукка биноан ўз улусидан отлиқ аскар тўплаб, [ҳузуримга] ҳозир бўлсинлар.

[1] Ўлачуқ (олачуғ) — чайла, капа.
[2] Ярғу — ҳуқуқ, ҳукм.

88.

ҲУҚУҚШУНОСЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Тошкентдаги вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида республика ўрта умумтаълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юрти ўқувчиларининг «Ёш ҳуқуқшунослар» биринчи республика олимпиадаси очилди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон республикаси халқ таълими вазирлиги, Ўқув-методика маркази ва Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси ўтказаётган бу олимпиаданинг тантанали очилишида Адлия вазирининг биринчи ўринбосари М. Э. Абдусаломов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жаҳон муаммоларини тадқиқ қилиш институтининг директори, Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий кенгашининг котиби, ҳуқуқшунослик фанлари доктори профессор А. Саидов, Республика халқ таълимининг ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Йўлдошев, Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институтининг ректори, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор А. Аъзамхўжаевлар сўзга чиқдилар.

Шу куни олимпиада иштирокчилари ёзма тест иши топширдилар. Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувни Адлия вазири А. Мардиев кириш нутқи билан очди ва Адлия вазирлиги олиб бораётган ишлар ва навбатдаги вазифалар ҳақида гапириб берди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлик аппаратининг конституцион назорат комитети раиси Ш. З. Ўразаев қатнашди ва сўзга чиқди. Шунингдек, учрашувда Адлия вазирлигининг бошқарма бошлиқлари, етакчи ҳуқуқшунос олимлар, Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институтининг етакчи ўқитувчилари ҳам сўзга чиқишиб, ҳуқуқшунослик масъулияти, мустақил Ўзбекистонимизда ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги қатор ишлар ва бу борада бўлғуси ёш ҳуқуқшунослар зиммасига тушадиган муҳим вазифалар ҳақида гапириб беришди.

Олимпиада қатнашчилари ўз референтларини ҳимоя қилишди ва куннинг иккинчи ярмида Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институти, Тошкент ҳуқуқшунослик колледжи ўқитувчи ва студентлари билан ҳам учрашдилар. Учрашув қизғин савол-жавобларга, ўзаро баҳс-мунозараларга, унутилмас таассуротларга бой бўлди.

С. СИРОЖИДДИНОВ.

Наврўз тантаналари давом этади

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Зангиота район Кенгаши амалга ошираётган муҳим ишлардан бири партия нуфузини кўтариш, унинг иш фаолиятини янги мазмун билан бойитиш билан биргаликда кўпроқ одамлар орасида бўлиб, мустақиллик туфайли ўзбек халқининг азалий қадриятлари, миллий анъаналарини тиклаб боришдир.

Баҳор байрами — Наврўзни кўпмиллатли Ўртаовул ижара пудрати корхонасида кўтаринки руҳ, яхши кайфият билан нишонлашда, турли миллат вакиллари орасида дўстлик, биродарлик, ҳурмат ишларини мустаҳкамлашда бошланғич партия ташкилоти фаоллик кўрсатди.

Шу куни байрам тантаналарида уюштирилган жозибадор мушоиралар, қадимги ўйинлар, халқ амалий санъатининг ноёб дурдоналари намойиш этилиб, кам даромадли оилаларга, боқувчиларини йўқотган қарияларга, ногиронларга, ёлғиз оналарга кўрсатилган ташкилот қошида тузилган меҳр-шафқат жамғармалари орқали 200 минг сўм пул берилди.

Тантаналарда сўзга чиққан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши биринчи котиби У. Турғунов, Зангиота район ҳокими Ж. Маликов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Зангиота район Кенгаши биринчи котиби Т. Файзиев йиғилганларни байрам билан табриклаб, 25 нафар йигит-қизга партия билетини топширдилар.

СУРАТЛАРДА: тантанадан лавҳалар.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

● **ФУТБОЛ**

ДАСТЛАБКИ УЧРАШУВЛАР

● Олий лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат чемпионатининг дастлабки учрашувлари бўлиб ўтди.

Бугун чемпионатнинг иккинчи тур ўйинлари ўтказилади. Дастлабки учрашувларда эса қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Пахтакор» — «Динамо» (Самарқанд) — 2:0, «Косонсойчи» — «Сўрдиёна» (Жиззах) — 1:1, «Навбаҳор» (Наманган) — «Бинокор — Пахтакор-79» (Қибрай) — 1:0, «Нурафшон» (Бухоро) — «Наврўз» (Андижон) — 2:1, «Орол» (Нукус) — «Нефтчи» (Фарғона) — 2:3, «Политотдел» (Тошкент вилояти) — «Янгиер» — 4:3, «Шифокор» (Ғулистон) — «Трактор» (Тошкент) — 1:0, «Темирйўлчи» (Қўқон) — «Чирчиқ» — 1:0.

Бир неча йилдан буён «Бухоро-Орол» сув қурилиши трести бунёдкорлари кўп йиллар мобайнида Қашқадарё, Бухоро, Навоий вилоятларида тўпланиб қолган зах сувларни Орол денгизига оқизиш ишларини ташкил қилаяптилар. Чунки бу зах сувлар экинзорлар ва яйловларнинг мелиорация ҳолатига катта путур етказаётган эди.

ДЕНГИЗ РИЗҚИНИ КУТЯПТИ

Шўрдарё бу сувларни тўплаб, Оролгача олиб боришга хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, бош сув ташламаси деб аталадиган мазкур мелиорация иншооти Бухоро воҳасининг юқори қисмидан бошланиб, Орол денгизигача кимсасиз саҳро бўйлаб чўзилиб кетади.

Трест ихтиёридаги қудратли техника кенг миқёсдаги ана шу ишларга сафарбар этилган. Ўтган йили Шўрдарёнинг юз километр масофадаги ўзанида тупроқ қазиш ишлари ниҳоясига етказилиб, давлат қабул комиссиясига топширилди. Натижада Олот ва Қоракўл районлари экинзорларининг мелиоратив ҳолати кескин яхшиланди. Чунки тўпланиб қолган зах сувлар Шўрдарёнинг кенг ва чуқур ўзани орқали оқа бошлаганди. Хусусан, яқин-яқингача Олот районидаги «Амударё» давлат хўжалигида зах сувлар насос ёрдамида кўтарилиб, Оворакўлга оқизиларди. Энди бўлса захнинг ўзи оқиб чиқмоқда.

Пировард мақсад фақат захни экинзорлардан чиқариб ташлаш эмас, балки Оролга оқизиш ҳамдир. Шу сабабли трест қурувчилари иш ҳажмини тобора оширмоқдалар. Улар ўтган йили Шўрдарё билан бир қаторда унинг Газли орқали ўтадиган Бухоро магистрал каналида ҳам катта ҳажмдаги ишларни бажаришди. Унинг ўн беш километрида тупроқ кўтариш ишлари поёнига етказилди. Бу йил эса асосий кучларни шу жойда жамлаш кўзда тутилмоқда.

— Бу йил канал қурилишига 680 миллион сўм капитал маблағ ажратилган, — деди трест бошқарувчиси В. Шарипов. — Шўрдарёнинг бу қисми вилоятда тўпланган шўр сувларни Газли орқали Порсонкўлгача олиб боради. Айни пайтда каналнинг яна ўн беш километрида тупроқ қазиш ишлари олиб борилмоқда.

Бошқарувчининг таъкидлашича Фирдевс Жепперов, Анатолий Незванов, Анатолий Сингелевич, Неъмат Меҳмонов бошлиқ механизаторлар бригадалари зарбдор қурилишда алоҳида ўрнак бўлишмоқда.

Бироқ муаммолар ҳам йўқ эмас. Айни пайтда Олот яқинида ишлаётган қудратли ўрмаловчи экскаваторларни Бухоро магистрал канали қурилишига кўчириш учун уларни алоҳида-алоҳида қисмларга ажратиш, деярли юз километр масофага транспортда олиб бориш ва уни қайта йиғиб ишга солиш, юқори кучланишли электр линиясини тортиб келиш лозим. Трест меҳнат жамоаси бу ишларга ҳам ҳозирлик кўрмоқда.

Зеро, олдинда Орол ризқини кутяпти-да!

Нусратилла НАИМОВ.

Луқма

ХУСУСИЙЛАШТИРИШМИ ЁКИ ХОМТАЛАШ?

Қашқадарё вилоятида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича дастлабки амалга оширилган ишлар мақтовга лойиқ. Қисқа вақтда шаҳар ва қишлоқларда тўққиз мингга яқин уй-жой, 25 та маҳаллий саноат, 720 та маиший хизмат, икки юзта давлат савдоси, уч юзта матлубот жамияти ихтиёридаги дўкон хусусийлаштирилганлиги қувончли албатта.

Лекин афсуски, қонунни пеш қилиб бу борада ундан четга чиқиш ҳоллари ҳам рўй беряпти. Халқ депутатлари вилоят кенгаши сессияларида бу масала икки марта муҳокама қилинганига қарамай айрим ҳолларда ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик туфайли давлат мулки сув текинга хусусий сармоядорлар қўлига ўтаётганлиги ҳам сир эмас. Айниқса, бу жараён уй-жойларни, транспорт воситалари ва кичик ишлаб чиқариш объектларини хусусийлаштиришда кўзга ташланмоқда.

Яқинда вилоят фаоллари йиғилишида бир нуфузли ташкилотда хусусийлаштириш ниқобида амалга оширилган «хомталаш» ачиниш билан тилга олинди. Мазкур ташкилот вилоят маиший хизмат кўрсатиш уюшмасига қарашли 8-автобазада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 26 июндаги ва халқ депутатлари вилоят кенгашининг XIV сессияси қарорларига хилоф равишда иш тутилиб, 23 та автомашина арзон-гаровга хусусийлаштириб юборилган. Ажабланарли томони шундаки, ўша йиғилишда айрим автомашиналар пули Қашқадарё бозорларида бир килограмм гўштга ҳам етмаслиги тўғрисида ҳаққоний луқма ташланди.

Хусусийлаштириш ниқоби остида давлат мулки «хомталаш» қилинаётган экан, мутасадди ташкилот раҳбарлари қаёққа қарашяпти, деган ўринли савол туғилади.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАТЛАР, ХАТЛАР, ИЧИ ТЎЛА ДАРДЛАР...

Халқ айтмгани ҳақ чиқар

МУШТАРИЙ:

...таклиф қилади

МЕҲРИНИСАНИНГ ИЗДОШЛАРИ ҚАНИ?

Ватан урушида жароҳатланиб, 1943 йили қайтишга тўғри келди. Бундан хабар топган собиқ Тошкент район комсомол кўмитаси мени ишга таклиф этиб, собиқ Сталин номидаги жамоа хўжалигида ёшларга бошчилик қилишимни сўради. Ёшлар юришиб кетди. Ёшлардан иборат звено, бригадалар тузилди. Зўр бериб қанд лавлаги етиштиришга киришдик. Звено бошлиқларидан Меҳриниса Убайдуллаева, Бахром Аҳроров, Заҳро Қобилова, Исоқ Дўсметовлар ҳосилдорликда ибрат кўрсатдилар. Уруш тугаган йили хўжалигимиз лавлаги етиштириш бўйича республикада довруғ қозонди.

Айниқса, Меҳриниса Убайдуллаеванинг номи достон бўлди. У гектаридан 80 тонна ҳосил олиб, республика рекордини ўрнатди. Айрим лавлагининг донаси 20 килограммгача етди. Меҳриниса қиз бошига қарамай, йигитлардек белини боғлаб юрар, эгатларга от-омоч солар, чопиқ қилиб суғоришларни ўрнига қўярди. Унинг меҳнатлари зое кетмади. Меҳри лавлагикор Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганини фахрийларимиз яхши эслашади.

Сўзимни мухтасар қиладиган бўлсам, ҳозирги қанд-шакар танқислиги даврида ҳеч бўлмаганда иккита районда лавлаги етиштириш йўлга қўйилса, хориждан ва МДҲ давлатларидан келтирилиб, баланд нархда аҳолига тарқатилаётган шакар-қандларга бўлган талаб муаммоси ҳал бўлармиди. Ўйлайманки, ана шундай хайрли ишга қўл урилса, Меҳринисанинг издошлари кўплаб топилади.

Қобил ОДИЛОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.

...миннатдорчилик билдиради

АСЛО ДАРД КЎРМАНГ!

Сир эмас, уруш фахрийларининг сафи йилдан-йилга озайиб бормоқда. Минг бор шукр қиламизки, шифокорларимиз ҳолимиздан хабар олиб туришибди. Зеро, кексалик ҳамиша ҳам қувончли кечавермайди. Камқувват бўлганингдан кейин гоҳида касаллик «шамоли» тегаркан. Мени ҳам Самарқанд район марказий касалхонасининг иккинчи бўлимига ётқиздилар. Илоҳим, қўллари дард кўрмасин, шифокорларнинг дори-дармонлари эм бўлиб, соғайдим ва набираларим даврасига қайтдим. 83 ёшли Шоҳид Каримов, 80 ёшли Раҳматулло Баҳриев, 76 ёшли Норқул Аҳмедов каби уруш ногиронлари ҳам соғ-саломат оилаларига қайтдилар, Биз отахонлар ўзаро бир фикрга келиб, шифокорлардан Аҳроркул Шамсиқулов, Мавсума Юсупова, Меҳри Бароноваларга ўз миннатдорчилигимизни билдириб, рўзномага икки энлик мактуб ёзмоқчи бўлдик. Ҳаммамиз бир овоздан тенгқуримиз, ўзининг 75 ёшини нишонлашга ҳозирлик кўраётган севимли газетамиз «Ўзбекистон овози»ни баланд минбар деб билиб, миннатдорчилик хатимизни сизларга йўлладик.

Ҳомид НУРИДДИН ўғли.
уруш фахрийси.
Даштак қишлоғи.

...танқид қилади

ҲОЛИГА МАЙМУНЛАР ЙИҒЛАЯПТИ

Ҳурматли муҳарририят! «Ўзбекистон овози»нинг январь сонларидан бирида «Ажаб савдолар» рукни остида «Роботлар ҳам ўзбекча гапиришмоқда» сарлавҳали қизиқ ҳангомани ўқиб қолдим. Мен ҳам ана шу телефон ҳақида ёзилган мақолага қўшимча далил келтирмоқчиман.

Нима бўлди денг? Тошкентга йўлим тушганди. Авваллари чаларда телефон автоматлари бўлиб, 15 тийинга хоҳлаган шаҳар билан боғланиш мумкин эди. Кўп нарса ўзгариб кетган экан. Билмасдан Андижон билан боғланишга уринибман. 2,5 соат вақтим кетди. Ниҳоят, Навоий шоҳкўчасидаги шаҳарлараро автомат гаплашиш масканига бордим. Бу ерда 15 тийин ўрнига сариқ жетон пайдо бўлибди. Донаси 8 сўм. Бир минут гаплашиларкан. Код билан боғланиш мақсадида қатор телефон будкаларидан бирининг ичига кирсам, қайишиб кетган, трубкаси йўқ, деворларга юзлаб дастхатлару суратлармиз билан ўйиб солинганини кўрдим. Телефон аппаратларидан 11 таси билан «муомала» қилишга уриндим. Лекин ломмим деган овоз йўқ. Кассир қизга учрасам, еттинчи хонага кириб кўринг, дейди. Яна бўлмади. Ахийри ҳафсалам пир бўлиб, жетонни қайтариб, 16 сўмни олишга мажбур бўлдим. Ҳайронман, Тошкентдек шаҳри азимда телефон ҳангомаси шунчалар бўлса, бошқа жойларда қандай экан?

Маҳамаджон МАМАЖОНОВ,
Хонобод шаҳар кенгаши депутати, ХДП аъзоси.

...эътироф этади

ӨСОЙИШТАЛИККА НИМА ЕТСИН

Кексаларимиз ҳамиша тинчлик-хотиржамликни берсин, деб дуо қилишади. Назаримда мустақил диёримизда осойишталикни таъминлаш учун ҳуқуқ-тартибот ишларига эътибор кучайтирилиб, адолатли ишга қўл урилди. Хусусан биз, андижонликлар шаҳримиз қолаверса, вилоятимизда уюшган жиноятчиликка қарши дадил чоралар кўрилганидан беҳад қувониб, унинг самарасидан баҳраманд бўлиб турибмиз.

Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бошланган керакли тадбирий чоралар ҳуқуқий давлатни вужудга келтиришда алоҳида аҳамият касб этиши турган гап. Боиси, тарғиб-интизомни мустаҳкамламай туриб, адолатпарвар давлатни барпо қилиш қийиндир.

Нўъмонжон УСМОНАЛИ ўғли.
Андижон райони.



О, она Туркистон. Бу болакай қироатга чоғланиб Сенинг эртанг сари чоғланаётир. Қуръони карим мутолааси етук ва баркамол, чин инсон этиб улғайтса не ажаб уни. Она замин одамлари, қандингизни уринг! Келажак эътиқодники...

А. ТЎРАЕВ сурат лавҳаси.

• МАМЛАКАТИМИЗ БЎЙЛАБ •

● СИРДАРЁ

СОВРИНЛАР ЭГАЛАРИГА ТОПШИРИЛДИ

— «Ўзбекистон овози» рўзномаси севимли нашрлардан бири эканлигидан мамнунмиз, — дейди ХДП Сирдарё район кенгаши биринчи котиби Бобо Зуҳуров. — Рўзнома партиямиз ҳаётини атрофлича ёритмоқда.

Сирдарё районида ҳам ўзининг 75 йиллик ёшини нишонлашга ҳозирлик кўраётган ана шу газетанинг мухлислари кўп. Рўзномага 2058 нафар киши обуна бўлганлиги ҳам шундан. ХДП район кенгаши 1993 йил учун «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» рўзномаларига кўп ва намунали обуна ишларини ташкил этганларга совринлар белгилаган эди. Яқинда соврин эгалари аниқланди. Биринчи ўрин Ильич номли жамоа ва «Шоликор» давлат хўжаликларига берилди. Иккинчи ўринни эса «Сирдарё» давлат ва Жуман Маманов номли жамоа хўжаликларига бериш лозим топилди. Сирдарё автомобиль йўлларидан фойдаланиш бошқармаси билан мактаб спорт жиҳозлари заводи жамоаларига учинчи совринли ўрин насиб этди.

А. БУРЛИЕВ,
Р. ИСЛОМОВ.

● НАМАНГАН

БИЛИМ МАСКАНИ ТЎЙИ

Маълумки, республикамизда кўплаб институтлар дорилфунунларга айлантирилди. Наманган Давлат дорилфунуни ҳам ана шундай илм масканларидан.

Дорилфунун жамоаси ўқув даргоҳининг 50 йиллигини тантанали нишонлади. Дорилфунун маъмурий ишлар бўйича ректор ўринбосари Анваржон Фахриддинов ярим аср мобайнида қилинган ишлар ва янги режалар хусусида сўзлади. Кейин Беруний мукофти соҳиби, дорилфунун ректори Муфатхон Маматов кекса тажрибали ишчи хизматчилар ва олиму ўқитувчиларга 200 сўмдан 1000 сўмгача пул мукофоти, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари берилишини маълум қилди. Дорилфунун тўйига Наманган аврли газламалар комбинати, атлас комбинати, вилоят тикувчилик бирлашмаси ҳомийлик қилишди.

Р. АБДУҒОФУРОВ.

● АНДИЖОН

ФОЙДАЛИ БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тожикистон Республикасининг Хўжанд ва Тоғли Бадахшон автоном вилоятлари, Қирғизистон Республикасининг Ўш ва Жалолобод вилоятлари соғлиқни сақлаш муассасаларининг ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битими имзоланганига ҳали кўп бўлгани йўқ.

Мақсад, минтақа аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш, тиббий техника ашёлари билан таъминлашни яхшилашдан иборат.

М. АЛИЕВ.

● ТОШКЕНТ

ДАВОЛАШЛАР ЯХШИ, АММО...

«Ўзбекбирлашув»нинг Тошкент районидаги оромгоҳида беморларни игнасиз ва дори дармонсиз даволашга ўтилмоқда.

Юрак, жигар, ўт пуфаги, ошқозон-ичак, қон босими каби хасталиклар халқ табобати усулида даволанмоқда. Бу ерда шифобахш гиёҳлардан шарбат ва қайнатмалар тайёрлаб берадиган фитобарнинг очилиши ҳам жуда яхши бўлди. Лекин дам олиб шифо олаётганларнинг аксарияти республиканинг турли вилоятларидан келишган. Улар ўзларининг дарду қувончларини баҳам кўргилари келади. Афсуски, бу ерда телефон орқали гаплашишнинг иложи йўқ. Яқин атрофда ҳам шаҳарлараро телефон сўзлашуви йўлга қўйилмаган.

Т. НОРҚУЛОВ.

САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

● САВОЛ: Мен «пахта иши» бўйича айбланган эдим. Суд ҳукми билан оқланганман. Шовот район халқ суди менинг ишга тиклаш тўғрисидаги қарор ва ижро варақларини собиқ иш жойимга ва прокуратурага юборди. Лекин ҳеч ким пинагини ҳам бузмади. Айтингчи, уларнинг тутган йўриқлари тўғрими?

Ж. МАТМУРОТОВ,
Қўшкўпир райони.

● ЖАВОБ: Хатингизнинг мазмунига қараганда, сиз суд ҳукми билан оқлангансиз. Бироқ сизни оқланганингиз ҳукмда кўрсатилгани ва оқланиш учун асос бўлган ҳолатни тушунтириб бермагансиз. Шунга қарамай, ишга тикланиш ва бекор юрган вақтлар учун ҳақ ундириш ҳақидаги ижро варақаси борлиги аниқ бўлса, собиқ иш жойингиз сизни ишга тиклашга, маошингизни қоплашга мажбур.

Сизни ишга тиклаш ҳақидаги ишингиз юзасидан назорат қилувчи органлар ҳаракатидан рози бўлмасангиз, ҳўкм нусхаси билан вилоят прокуратурасига мурожаат қилишингизни тавсия қиламиз.

● САВОЛ: Биз, Самарқанд меъморчилик-қурилиш институти ўқитувчилари олдида бир муаммо пайдо бўлиб қолди. Ширкат уйларида истиқомат қилувчи ўқитувчилар уйларини хусусийлаштириш нима учундир бепул амалга оширилмас экан. Ҳисоб-китобга қараганда у ҳар бир оила яна 10 минг сўмдан тўлаши керак экан, Бу борада бирор енгиллик борми!

Р. АЙМАТОВ,
А. ЭЛМУРАТОВ ва бошқалар.
Самарқанд шаҳри.

● ЖАВОБ: Амалдаги қоидаги кўра республика олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда илмий ходимларига турар-жойлардан фойдаланишга бирмунча имтиёзлар белгиланган. Бироқ турар-жой ширкати аъзоларига квартирани бепул ўтказиб берилиши қонунда кўрсатилмаган.

● САВОЛ: Мен иккинчи гуруҳ ногиронман, турмуш ўртоғим ҳам шундай. Ҳамма ишларимни бажариш учун 1 мотоколяска ёки қўл билан бошқариладиган «Запорожец» автомашинаси керак. Мутасадди раҳбарлардан бундай техникани беришларини сўрасам «Нарҳлар оширилганидан бери матокляска келмаяпти, олсангиз «Запорожец» машинаси бор», дейишади. «Запорожец»га маблағим йўқ.

Сизлардан мотоколяска олишимга ёрдам беришингизни сўрайман.

Қ. ШУКУРОВ,
Сурхондарё вилояти, Музрабод райони.

● ЖАВОБ: Ҳақиқатан ҳам, бозор иқтисодиётига ўтиш машиналар ишлаб чиқарувчи заводлар билан алоқани издан чиқиб кетишига олиб келди. Шунинг учун ҳам бирор мутасадди раҳбар сизга мотоколяска олишингизга тўғридан-тўғри ваъда беради, деб айтиш қийин. Бу масала бирор саҳоват йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун вилоят ижтимоий таъминот бошқармасига мурожаат этишингиз мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

● САВОЛ: Оиламизга яқинда яна бир фарзанд қўшилди. Турмуш ўртоғим ҳам, ўзим ҳам ҳеч қаерда ишламаётганимиз ҳақидаги ҳужжатларни ва бола туғилгани ҳақидаги гувоҳномани район ижтимоий таъминот бўлимига топширдик. У ердан суюнчи пули бор-йўғи 450 сўм миқдорида берилди. Эшитишимизга қараганда суюнчи пули 4000 сўм бўлиши керак. Айтингчи, қайси бири тўғри!

Н. ОЧИЛОВА.
Навоий вилояти, Хатирчи райони.

● ЖАВОБ: Ҳақиқатан ҳам, туғилган болаларнинг оналарига бир йўла бериладиган суюнчи пули бирмунча кўпайтирилган, яъни 4000 сўмга етган. Бу борада Ўзбекистон Президентининг 1992 йил 8 сентябрдаги фармони ана шундай тўловлар берилиши учун асос бўлади.

Сиз район ижтимоий таъминот бўлимига суюнчи пули ва бошқа нафақа пулларини қайта кўриб чиқиш ва белгилаш ҳақида ёзма равишда мурожаат қилишингиз лозим.

• Мустақиллик уфқлари

ТАЖРИБА ЎЗИНИ ОҚЛАМОҚДА

● МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШДА СИФАТ ЎЗГАРИШИ

● ЎҚУВ МАРКАЗИДА ТЕЗКОР ГУРУҲЛАР

● ЯНА 200 МУТАХАССИС ТАЛАБА БЎЛАДИ

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан кейин: «Республика ўзини эплай олармикан, кадрлар масаласида муҳтожлик сезиши турган гап», дея хавотирга тушганлар энди янглишадилар.

Мамлакатимиз мустақиллиги талабидан келиб чиқиб, илмгоҳларда ўқитишнинг янги дастурлари амал қила бошлади. Эндиликда самара бермайдиган лабораториялар тугатилмоқда. Улар ўрнида аниқ мақсадни кўзловчи, амалиёт билан боғлиқ янги ўқув марказлари ташкил этилмоқда.

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институтида самарасиз ишлаб келаётган 4 та илмий лаборатория ўрнида тажриба тариқасида ўқув-ишлаб чиқариш илмий маркази ташкил этилди. Ушбу марказ қисқа вақт ичида республикамизнинг автотранспорт тармоғида бошқаришнинг янгича тизимини ишлаб чиқди. Таҳлил шуни кўрсатдики, мамлакат вилоятларида халқ хўжалигининг бу тармоғида ишлаётган олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларнинг сони турлича экан. Умумий фойдаланишдаги ҳар 100 километр йўлга 5,4 ўрта махсус, 4,8 нафар олий маълумотли ходимлар тўғри келади.

1987 йили Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Автомобиль йўллари вазирлигининг бирлашган ҳайъатида ушбу ўқув-ишлаб чиқариш маркази зиммасига янада масъулиятли вазифа қўйилди. Яъни, бу ерда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда қисқа муддатда ўрта махсус маълумотли ходимлардан олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Тезкор гуруҳларда мутахассис тайёрлашнинг афзаллиги шундаки, икки йилдан ортиқ меҳнат фаолиятига эга бўлган ўрта махсус маълумотли ходимлар шартнома асосида йўлланма билан суҳбат орқали талабаликка қабул қилинади.

Биринчи тезкор гуруҳга жалб этилган 48 киши техник йўл хўжалиги ташкилотлари ва автокорхоналар йўллашмаси билан ўқишга қабул қилинди. Уларнинг 17 фоизини раҳбар ходимлар 48 фоизини техниклар, 35 фоизини эса ишчилар ташкил этди. Бу талабаларга қисқа вақт ичида ўқув дастури бўйича сабоқ берилди. Улар ўз амалий кўникмаларига асосланиб диплом ишларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар.

Мутахассис-талабаларнинг диплом ҳимоялари Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари вазирлигининг етакчи мутахассислари, Наманган, Бухоро, Тошкент вилоятлари ҳамда Термиз шаҳри автомобиль йўллари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашлари аъзолари иштирокида ўтди. Кейинги натижа шуни кўрсатдики, ҳимоя қилинган 35 диплом ишининг 30 таси аъло ва яхши, 5 таси қониқарли баҳоланди. Тезкор гуруҳларда малакали мутахассислар тайёрлаш ижобий натижа бермоқда. Олий маълумот олган 18 мутахассис юқори лавозимли ишларга ўтказилди.

Ўтган ўқув йилида ҳам республика Автомобиль транспорти вазирлиги билан биргаликда тузилган ўқув режасига кенг амал қилинди. Шу асосда иш кўриб автомобиль транспортида юк ташишни ташкил этиш, тармоқ иқтисодиёти ва уни бошқариш соҳалари кадрларидан 200 нафар ўрта махсус маълумотли ходим тезкор гуруҳларга қабул қилинди. Улар ҳозир замонавий бошқарув усулларини қунт билан ўрганмоқдалар.

Шу тариқа ҳозир Ўзбекистонда миллий мутахассис кадрлар тайёрлашда туб бурилиш юз бермоқда. Зотан, мустақил мамлакат сифатида Ўзбекистон давлатининг ўз юқори малакали мутахассислари камол топмоқда. Улар Марказий Осиё минтақасининг маркази Ўзбекистонда транспорт тизими корхоналари ишини тараққий эттиришга қодир юксак малакали мутахассислар бўлиб етишмоқдалар.

Н. МАННОНОВ,
Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институти проректори.

З. САИДОВ,
Ўқув-ишлаб чиқариш илмий маркази директори.

...газетхон илҳоми

ОДАМЛАР

Дунёда одамлар турфа хил,
Ким сахий, бағри кенг, ким бахил.
Кимлар ёвуз мисол, ким аҳил,
Қиёматли бўлинг, одамлар..

Тиклансин қайтадан дилдаги имон,
Уйғонсин мудраган покиза виждон,
Лоқайдликка қарши қайнаб турсин қон,
Диёнатли бўлинг, одамлар.

Ҳасадмас, қалбларда ҳаваслар ўссин,
Жаҳолат йўлини камолот тўссин,
Юракда армонмас, завқу шавқ жўшсин,
Саодатли бўлинг, одамлар.

Шоҳ, гадо тангрига бир хил бандадир,
Унга шак келтирган ғирт шармандадир,
Димоғдор бир куни парокандадир,
Мурувватли бўлинг, одамлар.

Дилларни ишқ ўти ёндириб турсин,
Элни ўйлаганлар ҳурматда юрсин,
Ҳалол топилган ризқ доим буюрсин,
Ҳароратли бўлинг, одамлар.

Адоват йўқ бўлиб, ҳақиқат кулсин,
Инсонни қадрлаш анъана бўлсин,
Беғараз юраклар шодликка тўлсин,
Адолатли бўлинг, одамлар.

Ҳимоят НАЗАРОВА,
тил-адабиёт, эски ўзбек ёзуви ўқитувчиси.

• «Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«МЕҲНАТОБОДДА ГАЗЕТА ЎҚИШМАЙДИМИ?»

1992 йилнинг 15 октябрида «Ўзбекистон овози» рўзномасида чоп этилган «Меҳнатободда газета ўқишмайдими?» танқидий мақоласи район ҳокимлигида кўриб чиқилди. Рўзномадаги билдирилган барча камчиликлар тўғри. Уларни бартараф этиш юзасидан зарур тадбирлар белгиланди. Жумладан, Э Қаҳҳоров номли давлат хўжалигида жойлашган почта алоқа бўлимини таъмирлаш учун лойиҳалаш институти билан шартнома тузилди. Почта алоқаси хизмати учун Боёвут районидан олинган машина бекор қилиниб, Меҳнатобод районидан шартнома асосида машина олинди. Ҳозирги кунда рўзнома ва ойномалар ўз вақтида тарқатилмоқда. Обуна масаласида ҳам барча хўжалик, ташкилот раҳбарлари билан гаплашилди ҳамда 1993 йил учун барча рўзнома ва ойномаларга етарли даражада обуна қилинди. Матбуот тарқатиш ва обуна қилишда бепарволикка йўл қўйгани учун район почта алоқа бошлиғи ўртоқ Х. Тошпўлатов ҳокимлик томонидан огоҳлантирилди ва жойлардаги почта алоқаси бўлимларига малакали кадрлар танлаб қўйиш, шунингдек, матбуот тарқатиш, обуна қилиш ишларига раҳбарликни янада кучайтириш вазифаси юклатилди. Ҳозир бу борадаги камчиликлар бартараф этилмоқда.

Ш. ЗИЯЕВ,
Меҳнатобод райони ҳокими муовини.

ЖЎШҚИН ҲАЁТ НАФАСИ

⊙ АНДИЖОН. Ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов халқ таълими ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириб, савобли иш қилдилар. Биз ҳам шунга жавобан мактабларда таълим тарбия ишларини яхшилаш йўлида астойдил изланмоқдамиз.

Т. ҲОТАМОВ.

⊙ СУРХОНДАРЁ. Денов шаҳри қўшни Тожикистон, Туркманистон республикаларидан ташриф буюрадиган меҳмонлар учун ўзига хос шоҳбекат ҳисобланади. Шуни ҳисобга олиб яқинда янги «Денов» шоҳбекати фойдаланишга топширилди.

У. БЕКМУРОДОВ.

⊙ ТОШКЕНТ. «Ўзбекистон овози» саҳифасида «Орол яшайди» сарлавҳали мақолани ўқиб қолдим. Унда Сибирь дарёларидан катта канал тортиб келиниши ҳақида фикр юритилган. Ҳозир Орол атрофида истиқомат қилаётган аҳолининг яшаш шароити муаммога айланган бир пайтда олимларимизнинг бу борадаги изланишлари ҳам ёритилса айни муддао бўларди.

Х. САЛОҲИДДИНОВ.

⊙ ҚАРШИ. «Маҳалла» хайрия жамғармасининг газетини чиқариш ҳақида фикрларни эшитиб кўп қувондик. Шу газетга қандай ном қўйиш кераклиги ҳақида мулоҳаза юритилган экан. Бизнингча, унга «Меҳр» деб ном берилса, яхши бўларди.

ХУЖАМБЕРДИЕВЛАР оиласи.

• Жиноятчиликка қарши кураш редакцияси

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ҚОШИДА АНА ШУ НОМДАГИ РЕДАКЦИЯ ФАОЛИЯТ КЎРСАТА БОШЛАДИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуси билан жиноятчиликка қарши кураш кенг қулоч ёйиб, самарали натижа бермоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бу хайрли ишни изчил давом эттирмоқдалар. Чунки биз ҳуқуқий давлат ўрнатмай туриб, ҳақиқий демократик давлатга айланолмаймиз.

Шунинг учун ҳам жиноятчиликка ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш мавсумий иш эмас, у доимий равишда давом этади.

Шу боис газетамиз қошида мазкур редакция ташкил этилди. Газетамиз бу эзгу ишга ўз ҳиссасини қўшиб боради. Сиз фельетон, луқма, суд очерки, «Жиноятчиликка қарши кураш—умумхалқ иши», «Қонун олдида ҳамма баробар», «Жамият, инсон ва қонун» рукнлари остида турли материалларни ўқиб борасиз.

Фельетон

МЕҲМОНХОНАМИ, КАПТАРХОНАМИ?

ЕКИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ МЕҲМОНХОНАЛАРИ УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ЯНА БИР ЎЧОҒИГА АЙЛАНМАЙДИ, ДЕБ КИМ КАФОЛАТ БЕРА ОЛАДИ!

Бундан роппа-роса уч йил муқаддам Тошкент циркининг меҳмонхонасида жуда хижолатомуз воқеа рўй берган эди. Чет эллик меҳмон — иорданиялик фуқаро Бассам Муҳаммад Абу Шакрнинг куппа-кундузи 15 минг сўмини ўмариб кетишганди.

Ўғриларни қидириш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, ўша куни навбатчи — маъмур Н. Шашмурина ҳеч қандай ҳужжатларсиз 15 сўмга (у пайтда пулнинг қадри бор эди-да) икки кишини — фуқаролар М. Қосимов билан С. Сатторовни меҳмонхонага жойлаштирган. Шу куни яна икки киши ҳам ҳеч қандай ҳужжатларсиз ўша меҳмонхонадан «паноҳ» топган. Оқибатда мана чет эллик меҳмоннинг олдида изза бўлиб қолишга тўғри келди. Бу ҳам етмаганидек, яқинда эса «Ўзбекистон» меҳмонхонасида бир туркиялик меҳмоннинг долларини ўмариб кетишди...

Бу мисолларни биз нима учун келтирдик. Алқисса, уч йил бурун ҳам бу ва «Хадра» меҳмонхонасида (**директори Б. Т. Обидов**) аҳвол шу эди. Ҳозир ҳам шу. Ҳеч нарса ўзгармаган. Агар бу ерда аҳвол ижобий томонга зиғирча ҳам ўзгарган бўлса, шу йилнинг ўзида 6 марта ўғирлик содир бўлармиди? Фақат уч ой мобайнида «Хадра» меҳмонхонасида 6 марта ўғирлик, 12 марта безорилик, 8 марта фоҳишабозлик, 18 марта спиртли ичимлик ичиб, жамоатчилик тартибини бузиш ҳоллари қайд этилган.

Кошки эди бундай ҳангомалар биргина «Хадра»да бўлса. Афсуски, бундай манзарани пойтахтдаги барча меҳмонхоналарда кузатиш мумкин.

Тошкент шаҳар Шайҳантоҳур райони ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Асқар Зиёвуддиновнинг Тошкент шаҳар коммунал корхоналар бошқармаси бошлиғи Ю. Ражабов, Шайҳантоҳур райони ҳокими А. Миржалилов ва шаҳар паспорт бўлими бошлиғи, милиция подполковниги А. Маҳкамовга ёзган ахборотномасидаги фактлар ана шу фикрни ҳам тасдиқлайди.

«...Шайҳантоҳур район ички ишлар бўлими ходимлари 1992 йил ва 1993 йилнинг январь ойида жиноятчиликка қарши ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида шаҳар миқёсида бир қатор тадбирларни амалга оширдилар. «Комплекс», «Туп», «Надзор-92», «Меҳмонхона» каби тадбирлар шулар жумласидандир, — дейилади ахборотда. — Бу тадбирлар ўз натижасини бериб, район ҳудудида ижтимоий ва сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Лекин шунга қарамай, район ҳудудидаги «Турон», «Хадра», «Чорсу», «Лабзак» каби меҳмонхоналарда ўғрилик, безорилик, тартиббузарлик ва спиртли ичимликлар ичиш, кўпчиликнинг осойишталигини бузиш ҳоллариига ҳали чек қўйилганича йўқ. Биргина «Турон» меҳмонхонаси (директори Т. А. Алимов)да 10 та ўғирлик, 15 та безорлик, 16 та фоҳишабозлик, 97 та ичкиликбозлик ҳоллари қайд этилди. Шунингдек, яқинда «Турон» меҳмонхонасида ўтказилган паспорт режими пайтида 319, 419, 601, 901, 910, 1005-хоналарга ҳеч қандай паспорти бўлмаган ва рўйхатдан ўтмаган кишилар жойлашиб олганлиги маълум бўлди. Рўйхатсиз яшаётган фуқаролар бошқа қаватларда ҳам аниқланди.

Афсуски, юқоридаги камчиликларга йўл қўйган масъул шахсларга нисбатан кўрилаётган маъмурий чоралардан улар ўзларига тегишли хулоса чиқаришмаяпти. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, меҳмонхоналарда содир этилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар мансабдор шахсларнинг ўз вазифаларига лоқайдликлари оқибатидир. Раҳбарлар келиб-кетяпти, аммо аҳвол эса ўзгармаяпти.

Меҳмонхоналардаги фуқароларнинг кўпчилиги рўйхатдан ўтмасдан, ўз таниш-билишлари номига олинган хоналарни «сотиб олиб» яширин яшаб кетишмоқда. Уларнинг ичида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан қочиб юрган, қидирувдаги ашаддий жиноятчилар йўқлигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Юқоридаги фактлар шуни кўрсатадики, меҳмонхоналарга рўйхатсиз ва ҳужжатсиз жойлашиб, ўв ишларини битириб, ҳар хил ғаразли ишларни амалга ошираётган бу шахслар шаҳримизда оператив вазиятни кескинлашувига сабабчи бўлмоқдалар...».

Бу гапларда жон бор. Албатта, бундай қоидабузарликлар турли жиноятларнинг манбаи бўлиб хизмат қилиши аниқ. Қани айтингчи, ана шу қонун-қоида бузилаётган меҳмонхоналарда ўғирлик, фоҳишабозлик, лўттибозлик, фиريбгарлик... бўлмайди, деб ким кафолат бера олади?

Минг афсуски, бошқа меҳмонхоналарнинг ҳам дарвозалари ланг очиқ. Бу ерда бўлаётган ҳангомаларни кўриб, беихтиёр, меҳмонхоналар шунчалик бедарвозами, дейсан, киши?

Хадрадан сал нари юрилса «Грин-флаг» меҳмонхонаси (**директори А. А. Ким**) бор. Бу меҳмонхона ҳам текширилганда Тошкентга саёҳатга келган бир гуруҳ покистонликлар саёҳатчилар учун мўлжалланган меҳмонхоналарга эмас, балки мана шу пастқам, кўздан йироқ меҳмонхонада тўхташгани маълум бўлди. Ваҳолонки, улар мавжуд қонун-қоидага биноан «Ўзбектуризм» миллий компаниясига қарашли меҳмонхоналарга жойлаштирилиши керак. Идорага тегишли бу «Грин-флаг» меҳмонхонаси эса чет элликларни қабул қилиш ҳуқуқига мутлақо эга эмас. Чунки бундай рухсатнома меҳмонхоналарга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг махсус бошқармаси томонидан берилади. Афсуски, меҳмонхона маъмурлари қонун барчага баробар эканлигини унутиб қўйганга ўхшайдилар. Оқибатда покистонлик меҳмонлар емаган сомсага 2500 сўмдан жарима тўлашди. Ўзбошимчалик қилган, тартиб-интизомга риоя этмаган меҳмонхона маъмурлари, директор-чи? Улар қандай жазо олишди? Афсуски, бу ҳозиргача бизга қоронғу!

Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли «Лабзак» меҳмонхонаси (**директори Х. А. Абдухолиқов**) эса худди каптархонага ўхшайди. Бу меҳмонхонани текшириш чоғида шу нарса маълум бўлдики, фуқароларнинг анкеталарига улар қачон келиб, қачон кетгани ёзилмаган. Жумладан, 202, 204, 205, 510, 507, 601, 605, 607, 608 ва 809-хоналарда истиқомат қилаётган кишиларнинг яшаш муддати чўзилганлиги анкеталарда қайд этилмаган. Меҳмонхонанинг еттинчи қавати «Антика» менеджмент хизмати марказига ижарага берилган экан. Бу марказ ўз Низомига кўра маркетинг ишлари билан шуғулланиши керак. Аслида эса у бу ишларни йўғиштириб қўйиб, чет эллик фуқароларни меҳмонхонага «қойилмақом» қилиб жойлаштириш билан банд. Масалан, беш нафар чет эллик ана шу еттинчи қаватдан бошпана топган. Бу покистонлик сайёҳ-меҳмонлар ҳам мавжуд қонун-қоидаларни бузганликлари учун 2500 сўмдан жарима тўлашга мажбур бўлдилар. Бу хато меҳмонхона (**директори Ш. Қобилниёзов**га) ҳам қимматга тушди. У ўз чўнтагидан нақд 12500 сўм жарима тўлайдиган бўлди.

— Тошкентда меҳмонхоналар беҳисоб, лекин уларда тартиб-интизом йўқ, — деб ёзган эди қашқадарёлик Х. Мўминов. — Хизмат юзасидан тез-тез Тошкентга келиб тураман. Бир гал бир амалдаги «Чорсу» меҳмонхонаси (директори А. Абдуллаев)га жойлашиб олдим. Ҳақиқатан сиртдан қараганда жуда чиройли, кўркам бино. Аммо ичида рўй бераётган воқеаларга ақл бовар қилмайди. Тўс-тўполон, бақириқ-чақириқ, маст-аласт... Эҳ-е, нимасини айтасиз... Маъмурият томонидан ҳеч қандай назорат йўқ. Бир сўз билан айтганда бардак...

Аввалига муштарийнинг гапига ишонмагандек бўлдик. Наҳотки, шундай катта меҳмонхонада тартиб бўлмаса?! Дарвоқе, ўтган йили бу ерда бир қотиллик рўй берганди, деб эшитгандим. Шу воқеа ҳаёлдан лип этиб ўтди-ю, Шайҳантоҳур ички ишлар бошқармаси билан боғландик. «Чорсу»даги ҳангомаларнинг адоғи йўқ экан...

Ўтган йили ноябрь ойида Пермь шаҳридан икки аёл Тошкентга «баданфурушлик» қилишга келиб, худди шу «Чорсу» да тўхташди. Улар ҳеч қандай тўсиқсиз меҳмонхона дарвозасини ва унинг маъмурларини «забт» этдилар. 1966 йилда туғилган Ольга Восева ва 1965 йилда туғилган Светлана Ценишенскаялар турган хонадан «бели бақувватлар» аримай қолишди. Охири, баданфурушлик авжига чиққан бир пайтда Шайҳантоҳур райони ички ишлар бўлими ходимлари бу «муҳаббат бозори»га «халақит» қилиб қолишди. Бозори касодга учраган икки дугона бир чемодан пул билан Перьмга қўён бўлишди. Лекин фоҳишаларга холис хизмат кўрсатиб, шоҳона шароит яратиб берган онахону-опахонларига қанчасини қолдиришгани номаълум.

Яна бир хонада, яъни 1621-номерда фуқаро Г. П. Полувьянова ўзи хон, кўланкаси майдон яшар экан. Текшириш чоғида унинг хонасида ҳеч қандай рўйхатдан ўтмаган В. Якубов қуёвтўрадек истиқомат қиляпти. Қизиғи шундаки, ҳар иккисининг паспортида бошқа кишилар билан никоҳдан ўтганлиги тўғрисидаги белги бор. Хўш, бу «пинҳона никоҳ»дан кимга фойда-ю, кимга зарар? Қават бекасига-ми ёки...

Ўша текширувдан кейин навбатчи—маъмур Г. Д. Иваньян, 16-қават бекаси М. С. Синикова, паспортчи Азимоваларга маъмурий чора кўрилди... Қани энди бу ларга зиғирча таъсир этса! Бошқаларга ибрат бўлса...

Йўқ, бундай ишлар ҳамон давом этмоқда. Шайҳантоҳур ички ишлар бўлими участка вакили, милиция лейтенанти Р. Тожибоевнинг шу йил 27 февралдаги баёнидан кўчирма: «Текширув чоғида 17-қаватда рўйхатсиз ва ҳеч қандай қонуний никоҳда бўлмаган икки киши аниқланиб, ҳужжатлаштирилди...

16-қават бекаси Лидия Капусянова милиция ходимларининг қонуний талабларига бўйсунмагани учун ИИБга олиб келинди...».

Қаранг, қават навбатчи бекаси ҳатто ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимларини ҳам бир пулга олмайди! Бу нимаси? Калтабинликми ёки бойвачча кўз билан менсимасликми? Бундай қарашларнинг илдизи қайга ва кимга бориб тақалади? Меҳмонхоналардаги бундай фоҳишабозлик ва бошқа иллатлар уюшган жиноятчиликка кенг йўл очмаяптими?

«Чорсу» меҳмонхонаси шу кунларда нақ каптархонага айланган. Ким киряпти, ким чиқяпти, ҳеч ким билмайди. Ҳозирги директор илгари муовин эди. Ҳамма ишдан хабардор. Энди эса директор бўла туриб, бу нуқсонлардан чирт кўз юмяпти? Буни қандай тушунмоқ керак ўртоқ Абдуллаев?

Э-ҳа, гапирсак гап кўп. Қўлимиздаги фактларни баён айласак, газета саҳифаси ҳам торлик қилиб қолади. Шундай экан, айтмоқчи бўлган фикрларимизни мутхасар айлаб асосий муддаога кўчсак.

Пойтахтда «Ўзбектуризм»га қарашли бир қатор осмонўпар меҳмонхоналар бор. Афсуски, улардаги аҳвол шу кун талабларига мутлақо жавоб бермайди. Буни биз биргина «Чорсу» мисолида кўрдик.

Илгариги Ўзбекистон Республикаси туризм ва экскурсия Совети деб аталмиш ташкилот бир думалаб номини «Ўзбектуризм» миллий компанияси деб ўзгартирди. Раҳбарлари ҳам бошқа. Катта ваъдалар берилди. Газеталарда баландпарвоз интервьюлар берилди. Бир сўз билан айтганда «Ўзбектуризм» гўё қайта қурилгандек бўлди. Хўш, нима ўзгарди? Афсуски, биз баён қилиб улгурмаган ғиж-ғиж фактлар шундан далолат беради, номи ўзгаргани билан «Ўзбектуризм» иши мутлақо ўзгармади. Бутун дунё нигоҳ ташлаб турган Ўзбекистонга қоғоздаги «Ўзбектуризм» эмас, балки амалдаги, янги, ижобий ишларга қодир «Ўзбектуризм» керак! Хўш, унинг ишида қачон бўрилиш бўлади? Меҳмон қачон хуш кайфият билан қарши олинади? Бетайин сайёҳларга қачон чек қўйилади? Уюшган жиноятчилар билан оғиз-бурун ўпишиш, виждонни пулга сотишларга қачон барҳам берилади?

«Ўзбектуризм» миллий компанияси бошлиғи **О. Исмонов** ва Тошкент шаҳар коммунал корхоналар бошқармаси бошлиғи **Ю. Ражабов**! Тошкент меҳмонхоналарида қачон тартиб-интизом ўрнатилади? Уларнинг дарвозаси борми ёки йўқми? Қачонгача меҳмонхоналар фоҳишахоналарга айланиб ётади? Қачонгача ҳақиқий меҳмонга мунтазир азиз остоналарни нас босади? Номига «жой йўқ» деб ёзишларга, сунъий «ноёблик»ка қачон чек қўйилади?

...Фактлардан кўз юмиб бўлмайди. Мустақил Ўзбекистон пойтахти меҳмонхоналарида инсоф, диёнат, ўзбекона сариштa-саранжомлик, ҳақиқий ва самимий танти меҳмоннавозлик бўлмоғи даркор.

«Меҳмонхона бўлди-ю нима, каптархона бўлди, нима, бизга ақча берса бас!» деб томоша кўриб турганлар ҳам буни билиши керак!

Тўхтамурод ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

ДЎСТИМИЗ ХОТИРАСИ

Ёвуз ўлим нотантилик қилди: ижод гулшанида ростмана бўй кўрсатиб, ҳали эллик баҳорини ҳам нишонлашга улгурмаган навқирон қаламкаш дўстимизни бедаво дард — жигар қуриш хасталиги сафларимиздан бевақт юлиб олди. У ёш бўлса-да, кўп иш қилганди. Лекин келажак орзулари катта эди. Дўстимизнинг редакциядаги иш столи тортмасида сарлавҳаси қўйилган, аммо тўла ёзиб улгурилмаган мақолалари, уйидаги жавонида қораламаси ёзилиб, устидан оро бериб кўриладиган асарлари чала қолди.

Мирзакарим Курбонович Пирматов ҳаётнинг, ижоднинг аччиқ-чучугини кўриб, қаламкашликда катта йўлга тушиб олган, айни навқирон ёшида бандаликни бажо келтирди. Дўстимиз дилкаш суҳбатдош, тиним билмас ижодкор, чарчамас ташкилотчи, фавқулодда қувноқ қаламкаш эди. «Ўзбекистон овози» газетаси 75 йиллиги байрамига эзгу ижодий ниятлари бор эди. Дўстимизнинг айни кучга тўлган 47 ёшида қаторимиздан кетиши биз, ҳамкасблари учун оғир жудолик бўлди.

Мирзакарим Пирматов 1946 йили Андижон вилоятининг Бўз районидаги Жийдақатор қишлоғида туғилди. Дастлаб район босмахонасида ҳарф терувчи, «Колхозчилар овози» газетасида мусаҳҳиҳ бўлиб ишлади. 1964 йили Андижон Давлат педагогика институтига кириб, уни имтиёзли диплом билан тугаллади. Мактабда ўқитувчилик қилди. Армия сафида хизматини ўтади. Республика газета-журналларида ўткир, ўқимишли мақолалари чиқа бошлади. «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газетасига ишга чақирилди. Дастлаб адабий ходим, сўнг анча вақт бўлим мудири бўлиб ишлади. Қатор очерк, қиссалари матбуотда эълон қилинди. «Қалбимни очай сизга», «Биринчи секретарь» очерклар тўпламлари учун Ўзбекистон комсомоли мукофоти лауреати бўлди.

Тошкент олий фирқа мактабини тугаллагач, — 1985 йили «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасига ишга ўтиб, катта адабий ходим, то ҳозиргача фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимига мудирлик қилди. Ажойиб ташкилотчи дўстимиз охирги нафасигача Ўзбекистон ХДП редакция бошланғич ташкилоти котиби сифатида фаолият кўрсатди.

Мирзакарим Қурбонович Пирматовдан яхши ўғил-қизлар, набиралар, мўл журналистик мерос, қатор очерклар, қиссалар, тўпламлари, болаларга аталган «Нўхатполвон», ўзбек халқининг суюкли шоираси Нодирабегим таваллудининг 200 йиллигига бағишланган «Моҳларойим» романлари ёдгорлик бўлиб қолгани кўнгилга сал таскин беради. Илоё, дўстимизни Тангри таоло раҳматига олган бўлсин.

БИР ГУРУҲ ЎРТОҚЛАРИ.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИР ЛАҲЗАЛИ ЛОТЕРЕЯСИ ФАҚАТ ШАХСИЙ ЖАМҒАРМАНГИЗНИ БОЙИТИШИНГИЗГА ЭМАС, ҲАТТО МИЛЛИОНЕР БЎЛИШИНГИЗГА ҲАМ ИМКОН ЯРАТАДИ!

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ МИНГЛАБ ФУҚАРОЛАРИ БУНГА ШАХСАН ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛДИЛАР!

Сизни 25.000.000 сўм, 15.000.000 сўм, 10.000.000 сўм, 5.000.000 сўм, 1.000.000 сўм, 500.000 сўмлик ва бошқа ютуқлар кутади!

ЛАҲЗАЛИ ЛОТЕРЕЯНИНГ 100, 200 ВА 500 СЎМЛИК БИЛЕТЛАРИ ЖАМҒАРМА БАНКИ МУАССАСАЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН СОТИЛМОҚДА.

ЛОТЕРЕЯ ШАРТЛАРИ ҲАҚИДАГИ БАТАФСИЛ АХБОРОТНИ:

— ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИ СОТИЛАЕТГАН ЖОЙЛАРДА АФИШАЛАРДАН,

— 54-26-31, 33-51-95, 45-66-43 РАҚАМЛИ ТЕЛЕФОНЛАРГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИБ БИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

БАХТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ!
СИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

«ЎЗБЕКИСТОН «ЭКОСАН» ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК ФОНДИ. «ВОСТОК» ФИРМАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

И. ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

1993 йил учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда қуйидаги мутахассисликлар бўйича аспирантурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— юқори молекуляр бирикмалар кимёси;
— машинасозлик ва машина деталлари;
— енгил саноат машиналари ва агрегатлари;
— кимёвий технология жараёнлари ва аппаратлари;
— кимёвий толалар технологияси;
— материалшунослик (тўқимачилик);
— тўқимачилик хом ашёсини бирламчи ишлаш;
— тўқимачилик материаллари технологияси;
— тикувчилик буюмлари технологияси;
— халқ хўжалиги иқтисодиёти, бошқаришни режалаштириш ва ташкил этиш;

Аспирантурага кириш имтиҳонларини қабул қилиш икки даврада: май ва октябрда ўтказилади. Ҳужжатлар 1993 йил 1 октябргача қабул қилинади.

Қуйидаги манзилга мурожаат этилсин:

700000, Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси, 5-уй, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, аспирантура бўлими. Телефон: 53-66-34.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси истеъдодли журналист ва ёзувчи, ижтимоий ҳаёт редакцияси муҳаррири

Мирзакарим ПИРМАТОВнинг

узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг бевақт вафот этганлигини қайғу билан билдириб, унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва республика адабиёт жамғармаси ёзувчи

Мирзакарим ПИРМАТОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг «Тонг юлдузи» газетаси жамоаси газетанинг масъул котиби Музаффар Пирматовга отаси

Мирзакарим ПИРМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий мактаб жамоаси мактаб бошлиғи У. Тожихоновга акаси

Файзулла ТОЖИХОНОВнинг

бевақт вафот этганлигини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жарроҳлик илмий маркази маъмурияти юрак касалликлари жарроҳлиги бўлимининг бошқарувчи илмий ходими, тиббиёт фанлари номзоди

Николай Иванович ХАНнинг

бевақт вафот этганлигини қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Вакцина» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашма бош директори Вафоқулов Баҳрон Ҳакимовичга укаси

Ислом Ҳакимович ВАФОҚУЛОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:
Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43; 32-53-16.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16; 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16.
«Оқшё бозори» — 33-76-04; 32-53-15.
Котибият — 33-72-83; 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-14.
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36; 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ
Андижонда — 4-48-85; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Қаршида — 3-25-79; Нукусда — 2-42-62; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда 6-72-60; Термизда — 2-23-81.
Навбатчи муҳаррир: А. БОЛИЕВ.

● Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди
● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
● Қўлёзмалар ҳажми чекланмайди.
● Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.
● Газетанинг босилиш сифати ҳақида эътирози қуйидаги телефонга маълум қилишингиз мумкин: 33-34-48.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ, тиражи — 169,328 нусха.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.00.
Г—115 № 54.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 23456.